

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РАХМАТОВА ДИЛБАР ИСМАТИЛЛОЕВНА**

**ЮЗ НЕРВИ КОНТРАКТУРАСИ РИВОЖЛАНИШИДА  
ТАШХИСЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ, КЛИНИК,  
НЕВРОЛОГИК МЕЗОНИ ВА МЕДИКАМЕНТОЗ ДАВОНИ  
МУКАММАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Рахматова Дилбар Исматиллоевна**

Юз нерви контрактураси ривожланишида ташхислашнинг ўзига хос хусусияти, клиник, неврологик мезони ва медикаментоз давони мукамаллаштириш йўллари.....5

**Рахматова Дилбар Исматиллоевна**

Диагностические особенности, клинико-неврологические критерии развития контрактур лицевого нерва и пути оптимизации медикаментозной терапии .....25

**Rakhmatova Dilbar Ismatilloevna**

Diagnostic features, clinical and neurological criteria for the development of facial nerve contractures and ways to optimize drug therapy.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....51

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РАХМАТОВА ДИЛБАР ИСМАТИЛЛОЕВНА**

**ЮЗ НЕРВИ КОНТРАКТУРАСИ РИВОЖЛАНИШИДА  
ТАШХИСЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ, КЛИНИК,  
НЕВРОЛОГИК МЕЗОНИ ВА МЕДИКАМЕНТОЗ ДАВОНИ  
МУКАММАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ва Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib926 билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи**

**Саноева Матлюба Жаҳонқуловна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар**

**Туруспекова Сауле Тлеубергеновна**  
тиббиёт фанлари доктори  
(Қозоғистон Республикаси)

**Қиличев Ибадулла Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот**


**Самарқанд давлат тиббиёт институти**


Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 20 21 йил «21» сентябрь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 043 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил «31» сентябрь кuni тарқатилган.  
(2021 йил «31» сентябрь даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

  
**Д.Т. Ходжиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

  
**С.С. Пўлатов**  
Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

  
**Г.А. Ихтиярова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотига кўра, юз нерви невропатияси периферик нерв системаси зарарланиши орасида энг кенг тарқалган касаллик бўлиб 2-ўринни, бош мия нервлари зарарланиши орасида эса биринчи ўринни эгаллайди. Дунёнинг турли мамлакатларида ушбу касаллик 100 минг аҳолига 10-53,3 тагача, жумладан, Европада 20 та, Японияда 30тагача учрайди. Касаллик миқдори эркак ва аёлларда тахминан бир хил намоён бўлади. Исботланишича, «...кўпинча юз нерви невропатиясининг бир томонлама, жуда кам ҳолларда бир вақтнинг ўзида икки томонлама зарарланиши ҳам учраб туради»<sup>1</sup>. Амалиёт 100 минг ҳомиладорнинг (Мона Лиза синдроми) 180тасида, ҳамда қандли диабет, артериал гипертензияси мавжуд эркак ва аёлларнинг асосий қисмида юз нерви невропатияси борлигини кўрсатиб, ушбу тоифадаги беморда унинг оғир ва асоратли кечишини изоҳлайди, шу сабабли касалликнинг профилактика ва даволаш усуллари такомиллаштириш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан долзарб ва замон талабига мосдир.

Жаҳонда юз нерви невропатияси ҳамда асоратининг 3-17% гача, Европа ва Осиё давлатларида контрактура ва синкинезиянинг 15-73% гача, идиопатик невропатия (Белл фалажи)нинг 75 % гача кузатилиши, улар орасида 30%ининг асоратланиши ва юз мушакларининг тўлиқ тикланмаслиги муаммонинг долзарблигидан далолат беради. Хусусан, юз нерви невропатияси клиник кечишининг неврологик, нейрофизиологик, невровизуал хусусиятларини таҳлил қилиш асосида шаклланадиган оғир асоратни олдиндан башоратлаш, мимик мушаклар контрактураси ҳамда юзнинг косметологик нуқсонини қиёсий ташхислаш, ҳаёт сифатининг асосий кўрсаткичлари орқали юзнинг ногиронлик индексини баҳолаш, ташхислаш ва даволаш алгоритми, дифференцирланган ёндашув чораларини белгилаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, шунингдек, аҳоли орасида учрайдиган неврологик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис кўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни

<sup>1</sup>Aleksandar Kopitovi'c, Filip Katani'c, Sandro Kalember, Svetlana Simi'c, Nina Vico and Slobodan Sekuli'c // Bell's Palsy—Retroauricular Pain Threshold. - Medicina. – 2021. - №57(263). – P. 10

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

амалга оширишда, жумладан юз нерви невропатиясининг оғир ва асоратли кечишини олдиндан ташхислаш ва самарали даволаш тартибини такомиллаштириш ҳамда турғун косметологик нуқсон ва бошқа салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларни бартараф этиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Cecilia Montalban Maria (2017) тадқиқотларига кўра анъанавий даволаш усулида юз нерви невропатиясининг тикланиш жараёни 40-60%га етади. Ciriello M. et all. (2020) маълумотларида эса кўпол мимик нуқсон кўринишида намоён бўлувчи мимик мушакларининг контрактураси, патологик синкинезия ва дискинезияси каби касаллик асоратлари 30% гача кузатилади. Carla de Sanctis Pecoга et all. (2021)нинг илмий ишларида нерв толасининг абберант регенерацияси натижасида юзага келувчи синкинезиялар давомий прозоплегия билан кечувчи 55,5% беморларда учраб, косметологик нуқсони бўлган ушбуларда жиззакилик, яккаланиш, ўзлигини паст баҳолаш, касаллигига ҳаддан зиёд эътибор, хавотир ва тушкунлик ҳолатлари кузатилади. Grewal D.S. (2018) тадқиқотлари чакка суягидаги Фаллопиев каналининг анатомик торлиги ирсий мойилликка эгалиги ва шу сабабли юз нерви невропатияси асоратларининг ривожланишини таъкидланган. Ушбу тадқиқот 4-6% беморларда самарали тикланиш даво муолажасиз, 16% беморларда ўрта оғир ва оғир кечиши, 80% гача беморларда юз нерви дегенерацияси ҳисобидан салбий ўзгаришлар ва юқори даражда асоратлар пайдо бўлиши башоратланган. Diego L.Toward et all. (2020) юз нерви невропатиясининг оғир шаклларида фалажлик бошланганидан 21 кун оралиғида юз нерви декомпрессиясини амалга оширишни тавсия этади. Zhiwen Cao et all. (2021) касалликни даволашда стероидларнинг самарадорлигини исботлади ва аксинча вирусга қарши дори воситаларининг таъсири йўқлигини таъкидлади.

Костенко Е.В. ва ҳаммуал. маълумотларига кўра (2017) юз нерви невропатиясидаги асоратлар 20,8 дан 32,2% гача етади, ушбу маълумот

Шаров М.Н. (2018) илмий тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Миндубаева Л.Ж. (2017) фикрича 70% беморда касаллик кечиши ижобий ва 2 ой давомида тўлиқ тикланади. Аксинча, Завалий Л.Б. ва ҳаммуал. (2020) тадқиқотларида касаллик узоқ давом этувчи меҳнатга лаёқатсизлик ва юқори даражали асоратлар билан кечади, улар касаллик қайталаниши (3-11%) ёки мимик мушаклар пост невротик контрактураси (23%) кўринишида намоён бўлади.

Республикамиздаги олимлар Гафуров Б.Г. ва ҳаммуал. (2011) маълумотларига кўра юз нерви невропатиясининг этиологик омили, йўлдош касалликлари, бемор ёши ва касаллик даражасини ҳисобга олмаган ҳолда тавсия этиладиган стероид, дегидратацион дори воситаларини қўллаш кўп ҳолларда касалликнинг давомий кечиши ҳамда асоратлар ривожланишига олиб келади. Ўз навбатида юз нерви невропатияси кечишининг гендер хусусиятлари ва психовегетатив ўзгаришларнинг аёлларда яққол намоён бўлганлиги сабабли касаллик асоратларининг айнан аёлларда кўпроқ учраши исботланган (Ахророва Ш.Б., 2017). Alikulova N.A. et all. (2018) тадқиқотида косметик нуқсон психоэмоционал ўзгаришларни чақириши ва даволашга қийинчиликлар туғдириши таъкидланган. Ўринов М.Б. (2019) илмий ишида маскулин ва феминин типдаги эркак ва аёлларда прозоплегия ва прозопалгиянинг ўзига хос кечиш хусусиятлари кўрсатиб ўтилган.

Гарчи юз нерви невропатияси муаммоси йиллар давомида тадқиқотчилар эътиборини жалб қилган, клиникаси, даволаш усуллари, дифференцирланган ёндашув тамойиллари борасида минглаб янгилик кашф этилган бўлсада, бугунги кунда касаллик ривожланиш патогенези, дифференциал ташхислаш ва асоратларни даволаш муаммолари, касаллик профилактикаси фақат илмий томондан эмас, амалий жиҳатдан ҳам ҳали ҳануз оқсайди. Бундан ташқари юз нерви невропатияси ва унинг асоратланган шаклларида неврологик хусусиятлар, психоэмоционал ўзгаришлар, нейрофизиологик, невровизуал маълумотлар кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Боз устига асоратланган юз нерви невропатиясини ташхислаш ва даволаш алгоритми масаласи ҳозирги кунгача бўшлиқларга лиммо-лим. Санаб ўтилган муаммолар ушбу илмий ишни амалга оширишга сабаб бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03.2019.PhD048 «Бухоро ҳудуди иссиқ иклими шароитида организмнинг патология олди ва патология ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юз нерви невропатияси тикланиш босқичларида мимик мушаклар контрактураси ривожланишини ташхислаш хусусиятлари, клиник ва неврологик мезонлари ҳамда медикаментоз даволашни такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

юз нерви невропатияси оғир ва асоратланган шакллариининг хавфли омилларини таҳлил қилиш;

юз нерви невропатияси тикланишининг турли босқичларида кузатиладиган клиник-неврологик мезонларни тизимлаш;

беморларда юз нерви невропатияси тикланишининг турли босқичларида мимик мушаклар зарарланиш даражаси, психоэмоционал ҳолат ва ҳаёт сифатининг баъзи кўрсаткичларини аниқлаш;

юз нерви невропатияси тикланишининг турли босқичида асоратлар ривожланиш эҳтимолини олдиндан аниқлаш;

юз нерви невропатияси тикланиш даврида қиёсий даволаш усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2015-2020 йиллар давомида Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида, Бухоро шаҳридаги «Қахрамон-Рахимжон» хусусий неврологик клиникаси ва «FIZIOMED plus» хусусий клиникаларида касаллик тикланиш давриининг турли босқичлари билан касалланган 163 нафар бемор ва назорат гуруҳига 20 нафар шартли соғлом инсон олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** клиник-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал текширув натижалари ташкил қилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор юз нерви невропатиясида клиник, нейрофизиологик ва нейровизуал текширув натижаларига асосланган мимик мушаклар контрактураси ривожланишининг патогенетик механизмлари аниқланган;

юз нерви фаолияти тикланишининг турли босқичида асорат (контрактура, синкинезия) чақирувчи хавфли омил ҳамда унинг ривожланишини башоратловчи сабаблар аниқланган;

беморларни узоқ муддатли динамик кузатуви юз нерви невропатияси асоратли кечишида коморбид белгилар ривожланишининг эҳтимоли исботланган;

юз нерви невропатияси оғир ва асоратланган шаклида клиник, психоэмоционал, электронейромиографик натижаларга асосланган янги даволаш усули (Амантадин сульфат ва Леводопа дори воситалари)нинг самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

клиник, нейрофизиологик, нейровизуал кўрсаткичларини қиёслаш асосида мимик мушаклар иккиламчи контрактураси ривожланишининг хусусиятлари аниқланган;

беморларни давомий динамик кузатиш асосида мимик мушаклар иккиламчи контрактураси ривожланишини башоратловчи эрта мезонлари белгиланган;



мавжуд бўлган ташхислаш дастурлари асосида невролог ва умумий амалиёт шифокорлари учун мимик мушаклар иккиламчи контрактурасини эрта ташхислаш ва дифференциал даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

юз нерви невропатияси асоратлари ривожланиш эҳтимолини эрта ташхислаш имконини берувчи комплекс нейрофизиологик ва невровизуал текширув усуллари неврологик илмий-текшириш маркази ҳамда стационар ва амбулатор шароитида фойдаланиш учун таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник-неврологик, нейрофизиологик, невровизуал ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, ташхислаш ва даволаш тактикасини ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажриба билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижанинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти юз нерви невропатиясининг оғир шакллари ва унинг асоратини эрта ташхислашда ишончли прогностик маълумот олишдан ташқари дифференциал терапияни танлаш имконини беради ҳамда беморлар психологик ва жисмоний лаёқатини ошириш, ижтимоий соҳада дезадаптация ва меҳнат қобилиятини тиклаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юз нерви невропатияси асорати ривожланишига мойил бўлган беморларни аниқлаш, касаллик асоратланган шакли ривожланишининг олдини олиш ҳамда унинг эрта даврида реабилитацион-тикловчи чораларини амалга ошириш, шунингдек, юздаги косметологик нуқсон туфайли йўқотилган меҳнатга лаёқатсиз кунларнинг камайиши орқали изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юз нерви невропатияси клиник-неврологик хусусиятларни ўрганиш ҳамда мимик мушаклар контрактурасини ташхислаш ва даволашда олинган илмий натижалар асосида:

юз нерви невропатиясининг асоратланган шакллари клиник ва инструментал текширувлар бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Юз нерви невропатияси асоратланган шакллари ташхислаш алгоритми” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 23.02.2021 йилдаги 8н-р/150-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаси ташхисотни такомиллаштириш, даволаш муддатини қисқартириш ва юз нерви невропатияси асоратларининг олдини олишга имкон берган;

юз нерви невропатиясида мимик мушаклар дисфункциясининг оғирлик даражасини баҳолаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Юз нерви невропатиясини бирламчи ташхислаш усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

23.02.2021 йилдаги 8н-р/151-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаси аниқликни оширишга, юз нерви невропатиясини қисқа муддатда соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида ташхислаш ҳамда даво самарадорлигини ошириш имконини берган;

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари Бухоро вилоят тиббий диагностика маркази, Бухоро шаҳридаги 5- ва 1-оилавий поликлиникалар, Бухоро туман 3-оилавий поликлиникаси, Бухоро шаҳридаги “Ситораи Мохи-Хосса” МЧЖ амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 12.03.2021 йилдаги 8н-д/95-сонли хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши юз нерви невропатияси асоратларини ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириб, даволаш давомийлигини қисқартириш, асоратлар сонини камайишига олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижасини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 13 та мақола, жумладан, 11 таси Республика ва 2 таси хорижий (1 – SCOPUS-Q4, 1 – импакт фактори 8.041 бўлган) журналларда нашр этилган, 10 та тезис мавжуд ҳамда 1 та ихтиро патенти тавсия этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4та боб, хотима, хулоса, амалий тавсия, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АССОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, текширув объекти ва предметлари аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилганлиги, апробация натижаси, нашр қилинган мақола, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Юз нерви невропатияси – асоратланган шаклларининг ташхисоти ва давосига замонавий ёндашув (адабиётлар шархи)»** тўрт бўлимдан иборат бўлиб, юз нерви невропатияси (ЮНН) асоратланган шакли этиопатогенезининг назарий жиҳати, замонавий ташхислаш ва даволашга бағишланган тадқиқотлар таҳлили чуқур ёритилган. Адабиётлар шархи орқали сўнгги 10 йилда мавжуд усулларнинг афзаллиги ва камчилиги назарий таҳлил қилинган, шунингдек муаммонинг ҳал қилилмаган ёки аниқлик талаб қиладиган томонлари кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Клиник материаллар ва текшириш усулларининг тавсифи**» клиник материал ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифига бағишланган асосий масала, шунингдек, олинган натижанинг статистик қайта ишлаш усуллари келтирилган. Илмий тадқиқот иши 2015-2020 йилларда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Бухоро шаҳридаги «Қахрамон-Рахимжон» хусусий неврологик клиникаси ва «FIZIOMED plus» хусусий клиникаларида стационар ва амбулатор шароитида даволанган ЮННнинг эрта тикланиш даври, кечки тикланиш ва асоратлар даври ташхиси билан оғриган 163 нафар беморнинг клиник-неврологик, инструментал текшириш усулларининг таҳлиliga асосланган. Уларнинг 66 нафари (40,5 %) эркаклар, 97 нафари (59,5 %) аёллар бўлиб, ўртача ёши  $43 \pm 3,4$  йилни ташкил қилган. Олинган кўрсаткичларни таққослашда 20 нафар шартли соғлом кишидан иборат назорат гуруҳи танланган.

В.С. Лобзин ва А.Р. Рахимжановнинг (1988) таснифига асосан, барча беморлар 3 гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳ – ЮННнинг эрта тикланиш даври (ЭТД) мавжуд бўлган беморлар – 53 нафар (32,5%), 2-гуруҳ кечки тикланиш даври (КТД) аниқланган бемор – 54 нафар (33,1%), 3-гуруҳ асорат даври (АД) кузатилган бемор – 56 нафар (34,3%). Айнан шу тасниф туфайли касаллик давларини клиник ва патогенетик асослаш имкони кузатилган.

Кейинчалик, ҳар бир гуруҳдаги бемор тавсия этилган терапия натижасини таққослаш учун асосий кичик гуруҳ, яъни янги тавсия этилган терапияни қабул қилган беморлар гуруҳи ва қиёсий кичик гуруҳ, яъни фақатгина мавжуд стандарт терапия билан чегараланган беморлар гуруҳига ажратилган. 1- ЭТД (53 нафар) гуруҳига кирувчи беморлардан, асосий кичик гуруҳга 38 нафар (71,7%) ҳамда қиёсий кичик гуруҳга 15 нафар (28,3%) бемор, 2- КТД (54 нафар) гуруҳига кирувчи беморлардан, асосий кичик гуруҳга 39 нафар (72,2%) ва қиёсий кичик гуруҳга 15 нафар (27,8%) бемор, 3- АД (56 нафар) гуруҳига кирувчи беморлардан, асосий кичик гуруҳга 41 нафар (73,2%), қиёсий кичик гуруҳга 15 нафар (26,8%) бемор киритилган.


Юз нерви зарарланиш даражасини баҳолаш учун: «Юз нервини баҳоловчи шкала 2.0» (Facial Nerve Grading Scale–(FNGS-2) (2009)) номини олган модификацияланган House-Brackmann шкаласидан ва Y-System (Yanagihara System, 1985) шкаласидан фойдаланилди. Беморлар томонидан мустақил равишда Юзнинг ногиронлик индекси FDI (Facial Disability Index, 2014) шкаласи тўлдирилди. Юз симметрияси ва синкинезияларни баҳолаш учун SFGS-1 (Sunnybrook Facial Grading Scale-1, 2013) шкаласидан фойдаланилган. Хавотир ва депрессив бузилишни таҳлил қилишда HADS-I (хавотир даражасини баҳоловчи) ва HADS-II (депрессия даражасини баҳоловчи) (Hospital Anxiety and Depression Scale, 1983) шкалалари қўлланилган. Нейрофизиологик усуллардан электронейромиография (ЭНМГ) ҳамда нейровизуал текширув – Фаллопиев каналининг диаметрини аниқлаш мақсадида чакка суягини мультиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ўтказилган.

Натижалар анъанавий вариацион статистика усули билан тиббий-биологик тадқиқотлар учун қўлланиладиган дастурдан фойдаланилган ҳолда персонал компьютерда ишланган. Тадқиқотни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилига асосланган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Юз нерви невропатияси асоратланган шаклларида клиник-неврологик ва инструментал кўрсаткичларнинг хусусиятлари**» ЮНН тикланиш босқичининг турли даври билан азият чеккан беморда сабаб-оқибат омили, клиник-неврологик, психоэмоционал ҳолат, нейрофизиологик ва нейровизуал текшириш усуллариининг натижаси ёритилган.

Беморлар орасида этиологик омил-сабаб асосида ривожланган иккиламчи ЮННга нисбатан унинг идиопатик шакли сезиларли устуворликка эгаллиги кузатилди ( $P < 0,01$ ), аммо АД ривожланишига замин яратиши мумкин бўлган хавф омили сифатида қандли диабет, гипертония касаллиги, семизлик, юрак ишемик касалликлари тахминан  $\frac{1}{4}$  беморда кузатилди. Бундан ташқари, кулоқ, томоқ, бурун, постравматик патологиялари (1,9-3,6%), ҳомиладорлик (5,6-14,2%) ҳам мустасно эмас ва шу билан бирга АДда (3-гурух) ҳомиладор аёллар сезиларли даражада юқори эди ( $P < 0,05$ ).

Клиник жиҳатдан ЭТД (1-гурух) ва КТД (2-гурух)да мимик мушаклар бўшлиги, кулоқ орқасида оғриқ, тилнинг олдинги  $\frac{2}{3}$  қисмида таъм сезишнинг йўқолиши каби субъектив симптомлар устуворлик қилса, АД (3-гурух) беморларида юздаги тортилиш ҳисси, прозопалгиялар, Богорад белгиси устунлиги ҳамда ксерофтальмия, ксеростомия, гиперракузия ва гипоакузия каби белгилар камроқ намоён бўлди (1-расм).




**1-расм. ЮНН тикланиш даврига кўра клиник симптомларнинг ўзига хослиги**

ММнинг оғир дисфункцияси бўлмиш V даража АД (3 гуруҳ)да КТД (2 гуруҳ)га нисбатан 1,3 баравар, ЭТДга нисбатан 2,1 баравар кўп учради ( $P < 0,01$ ), бу эса ўз навбатида касалликнинг муддати ММ дисфункция

даражасининг кўрсаткичига нисбатан ўзаро корреляцион боғлиқликка эга эканлигини кўрсатган ( $r=2,7$ ).

ЮННда мимик мушаклар (ММ) дисфункция даражаси House-Brackmann (FNGS-2.0) шкаласи бўйича I даража (норма,  $N=8$  балл) назорат гуруҳида, яъни шартли соғлом инсонларда, II даража (ММ енгил дисфункцияси) фақатгина ЭТД беморлар гуруҳида кам миқдорда аниқланди (1,8%). III даража (ўрта дисфункция) ЭТД ва АД гуруҳларида КТДга нисбатан 2 марта кўп кузатилди ( $P<0,01$ ). IV даража (ММ ўрта оғир дисфункцияси) ЭТД ва АДга нисбатан КТДда 1,5 баравар устунлик қилган.

Yanagihara System (Y-System) шкаласи бўйича IV даража (ўрта оғир дисфункция) гуруҳлар орасида статистик фарқ қилмади, аммо бошқа даражадаги дисфункцияларга нисбатан устунликка эга бўлган (55,2%,  $P<0,05$ ). V даража (оғир дисфункция) барча текширилган беморларнинг 1/3 қисмида (36,2%) кузатилган, шу билан бирга, ушбу шкала натижасига кўра ММ дисфункциясининг енгил ва ўрта даражаси гуруҳларда умуман аниқланмаган (2-расм).



**2-расм. Юз нерви мимик мушакларининг дисфункция даражаси**

Юз мимик мушакларининг умумий ҳолати (ЮММУХ) SFGS-1 (Sunnybrook Facial Grading Scale) шкаласи бўйича ЭТД гуруҳида  $54,1\pm 0,98$  балл (эркакларда  $55,3\pm 1,7$  балл, аёлларда  $53,4\pm 0,84$  балл)ни, КТД гуруҳида  $51,5\pm 1,6$  балл (эркакларда  $50,2\pm 2,1$  балл, аёлларда  $52,7\pm 1,1$  балл)ни ташкил этди. ЭТД ва КТД да юз мушаклари синкинезияси кузатилмаган. АДда мимик мушаклар синкинезияси мавжудлиги туфайли ЭТД ва КТДга нисбатан ЮММУХ кўрсаткичи юқори бўлиб,  $61,2\pm 1,4$  балл (эркакларда  $57,5\pm 1,8$  балл, аёлларда  $64,3\pm 1,6$  балл)ни ташкил қилган. 2-гуруҳ (КТД)даги эркакларда ЮММУХ кўрсаткичи SFGS-1 шкаласи бўйича 3-гуруҳ (АД)га нисбатан анча паст эди ( $P<0,05$ ). Шунингдек, ушбу кўрсаткич ЭТД (1-гуруҳ) ( $P<0,001$ ) ва

КТД (P<0,001) (2-гурух)даги аёлларда АД (3-гурух)даги аёлларга нисбатан ҳам анча паст эди (1-жадвал).

1-жадвал

**Юз мимик мушакларининг умумий ҳолатини SFGS-1 шкаласи бўйича баҳолаш (балл)**

Sunnybrook Facial Grading Scale шкаласи		Тинчликдаги симметрия	Ихтиёрий ҳаракатдаги симметрия	Синкинезия	Юз мимик мушакларининг умумий ҳолати
ЭТД (n=53)	эркак	16,5±0,53	38,8±2,0	-	55,3±1,7
	аёл	16,5±0,41	36,2±0,97	-	53,4±0,84
КТД (n=54)	эркак	15,0±0,05*	35,2±2,1	-	50,2±2,1
	аёл	14,9±0,04**	37,7±1,1	-	52,7±1,1
АД (n=56)	эркак	14,9±0,06**	33,4±2,0*	9,0±0,71	57,5±1,8 <sup>^</sup>
	аёл	15,0±0,03*** <sup>^^</sup>	40,3±1,8*	9,0±0,48	64,3±1,6*** <sup>^^^</sup>

*Изоҳ:* \*-ЭТД кўрсаткичларига нисбатан ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\*-P<0,001)

<sup>^</sup>- КТД кўрсаткичларига нисбатан ишончли (<sup>^</sup>-P<0,05; <sup>^^</sup>-P<0,001)

Юз нерви невропатияси асосида ривожланган мимик мушаклар асимметрияси мавжуд беморларда ҳаёт сифатининг ижтимоий ва жисмоний ҳолати ўзгаради, шу борада тадқиқотимизни юзнинг ногиронлик индекси (FDI) шкаласи орқали жисмоний фаолият (ЖФ) ва ижтимоий фаолият (ИФ) кўрсаткичларини текшириш муҳим аҳамият касб этар эди.

Олиб борилган тадқиқот натижасида ЖФ ва ИФ кўрсаткичларида аҳамиятга эга гендерли фарқ кузатилмаганлигига қарамай, асосий гуруҳда ушбу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан анча пастлиги аниқланди (P<0,001). Аёлларда психопатологик ўзгаришлар кўпроқ депрессия кўринишида (ёлғиз қолиш эҳтиёжи, жамиятдан узоқлашиш, ижобий хиссиётларнинг йўқлиги) намён бўлиб, сабаби улар юзидаги кометологик нуқсондан хавотирланиши эди (2-жадвал).

2-жадвал

**Жинсга нисбатан FDI шкаласи кўрсаткичлари**

ЭТД (n=53)		КТД (n=54)		АД (n=56)		Назорат гуруҳ (n=20)	
эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл
Жисмоний фаолияти							
48,0±2,9*	43,2±1,9*	37,9±3,5 <sup>^</sup>	43,5±1,9*	38,8±2,8 <sup>^</sup>	45,5±2,1*	96,4±1,4	98,3±1,1
Ижтимоий фаолият							
38,0±1,5*	35,8±0,7 <sup>б</sup> *	44,0±2,5 <sup>^</sup>	38,9±1,4 <sup>^</sup>	42,7±2,3*	41,6±1,8 <sup>^</sup>	98,6±0,53	97,0±1,0

*Изоҳ:* \*-назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли (\*-P<0,001)

<sup>^</sup>- ЭТД кўрсаткичларига нисбатан ишончли(<sup>^</sup>-P<0,05)

Барча беморнинг психоэмоционал ҳолати хавотир ва депрессияни баҳоловчи HADS-I ва HADS-II шкалалари орқали текширилган.

Юз нерви невропатияси билан оғриган барча беморда субклиник ва клиник хавотир кузатилди. ЭТД ва КТД гуруҳидаги беморларда субклиник хавотирга нисбатан клиник хавотир кўпроқ намоён бўлди ( $P<0,01$ ), шу билан бирга аёлларда субклиник хавотир эркакларга нисбатан кўпроқ кузатилган ( $P<0,01$ ).

Клиник хавотир эса гендерли фарққа эга бўлмади. АДда субклиник ва клиник намоён бўлган хавотир ЭТДдаги беморларга нисбатан камроқ учради ( $P<0,01$ ), аммо ушбу кўрсаткич аёлларда эркакларга нисбатан кўпроқ учраганлиги кузатилган ( $P<0,01$ ). Барча гуруҳда кузатилган патологик ўзгаришлар назорат гуруҳига нисбатан анча юқори эди ( $P<0,001$ ) (3-жадвал).

3-жадвал

**ЮНН мавжуд беморларда хавотир кўрсаткичининг намоён бўлиши (HADS-I, балл)**

Хавотир даражаси		Субклиник хавотир	Клиник хавотир
ЭТД (n=53)	эркак	9,3±0,33 <sup>^</sup>	14,7±0,92 <sup>^</sup>
	аёл	10,0±0,0 <sup>^</sup>	15,7±0,23 <sup>^</sup>
	умум.	9,6±0,24 <sup>^</sup>	15,4±0,38 <sup>^</sup>
КТД (n=54)	эркак	8,8±0,20 <sup>^</sup>	12,0±0,0 <sup>**^</sup>
	аёл	9,5±0,16 <sup>**^</sup>	12,6±1,2 <sup>**^</sup>
	умум.	9,2±0,13 <sup>^</sup>	12,5±1,0 <sup>**^</sup>
АД (n=56)	эркак	9,2±0,18 <sup>^</sup>	-
	аёл	9,4±0,17 <sup>**^</sup>	10,7±1,2 <sup>***^</sup>
	умум.	9,3±0,12 <sup>^</sup>	10,7±1,2 <sup>***^</sup>
Назорат гуруҳи (n=20)	эркак	3,8±0,39	
	аёл	4,6±0,51	
	умум.	4,0±0,32	

*Изоҳ:* \*-ЭТД кўрсаткичларига нисбатан ишончли (\*- $P<0,05$ ; \*\*- $P<0,01$ ; \*\*\*- $P<0,001$ );  
^ -назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли (^- $P<0,001$ )

HADS-II шкаласи бўйича депрессия ҳолати субклиник ва клиник кўринишида намоён бўлган. Аммо, хавотир ҳолатидан фарқли, ЭТД гуруҳида гендерли фарқ деярли кузатилмаган, шу билан бирга субклиник депрессия ҳолати деярли бир хил миқдорда кузатилган. КТД гуруҳида клиник депрессия ҳолати ЭТД гуруҳига нисбатан кўпроқ кузатилди ( $P<0,05$ ), лекин гендер бўйича фарқ бўлмади. ЭТД ва КТД гуруҳларига нисбатан АД гуруҳида эркак ( $P<0,001$ ) ҳамда аёлларда ( $P<0,001$ ) клиник депрессия ҳолати нисбатан анча кўп намоён бўлган. Барча гуруҳлардаги психопатологик ўзгаришлар назорат гуруҳига нисбатан анча кўпроқ бўлган ( $P<0,001$ ) (4-жадвал).

**ЮНН мавжуд беморларда депрессия кўрсаткичининг намоён бўлиши  
(HADS-II, балл)**

Депрессия даражаси		Субклиник депрессия	Клиник депрессия
ЭТД (n=53)	эркак	9,0±0,21 <sup>^</sup>	-
	аёл	9,2±0,19 <sup>^</sup>	-
	умум.	9,1±0,14 <sup>^</sup>	-
КТД (n=54)	эркак	9,8±0,16 <sup>*^</sup>	13,7±0,31 <sup>^</sup>
	аёл	9,7±0,29 <sup>^</sup>	14,5±0,39 <sup>^</sup>
	умум.	9,7±0,15 <sup>*^</sup>	14,2±0,28 <sup>^</sup>
АД (n=56)	эркак	10,1±0,13 <sup>***^</sup>	12,8±0,28 <sup>^</sup>
	аёл	10,0±0 <sup>***^</sup>	14,9±0,32 <sup>^</sup>
	умум.	10,1±0,13 <sup>***^</sup>	14,1±0,27 <sup>^</sup>
Назорат гуруҳи (n=20)	эркак	3,8±0,39	
	аёл	4,6±0,51	
	умум.	4,0±0,32	

*Изоҳ:* \*-ЭТД кўрсаткичларига нисбатан ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\*-P<0,001);  
^ -назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли (^-P<0,001)

Чакка суягида жойлашган Фаллопиев каналини икки томонлама – зарарланган ва соғлом томондаги ҳолатини аниқлаш мақсадида чакка суягининг мультиспирал компьютер томография (МСКТ) текшируви 46 нафар (28,2%) беморда таҳлил қилинган (ЭТД – 3 нафар (6,5%), КТД – 10 нафар (21,7%), АД – 33 нафар (71,7%)) ҳамда лабиринт, ноғора ва сўрғичсимон сегментларнинг икки томонлама ўлчамлари, бундан ташқари юз нерви каналининг анатомик бутунлиги эътиборга олинган. Текширувга Y-System шкаласи бўйича ММ дисфункциясининг ўрта оғир ва оғир даражаси, ижобий оилавий анамнези ҳамда касаллик турли даврининг кўзиши мавжуд бўлган ЮНН билан оғриганларда қайталанувчи, шунингдек, икки томонлама зарарланиши мавжуд беморлар жалб қилинган. 5-жадвалдаги МСКТ кўрсаткичларига асосан Фаллопиев канали лабиринт қисмининг диагностик аҳамияти эътиборни тортди: натижага кўра зарарланган томонда лабиринт қисмининг диаметри соғлом томонга нисбатан анча кичиклиги аниқланди (P<0,01). Айниқса, ЮННнинг икки томонлама зарарланишида Фаллопиев канали лабиринт қисмининг икки томонлама торайиши буни исботланган (5-жадвал).

Юз нерви фаолияти ва ММ парезининг намоён бўлиш даражасини баҳолаш учун диссертация ишининг вазифаларига мувофиқ учала текширилаётган гуруҳда стимуляцион ЭНМГнинг М-жавоб амплитудаси ва латентлиги ҳамда киприк рефлексдаги (КР) R1 ва R2 компонентлар, КТД (2-гуруҳ) оғир даражаси ҳамда АД (3-гуруҳ)да спонтан фаоллик (СФ)ни кўрсатувчи фибрилляция потенциали (ФП), ижобий ўткир тўлқинлар (ИЎТ) таҳлили амалга оширилган. ММ дисфункция даражасига кўра гуруҳлар Y-



System шкаласи асосида тақсимланди ва баҳоланди, бунда m. frontalis, m. orbicularis oculi ва m. orbicularis oris мушаклар фаолияти баҳоланган.

5-жадвал

### Фаллопиев каналининг МСКТ кўрсаткичлари бўйича ўлчамлари

Фаллопиев канал Гуруҳлар		Лабиринт қисм, мм		Тимпатик қисм, мм		Мастоидал қисм, мм	
		ўнг	чап	ўнг	чап	ўнг	чап
ЭТД	ўнг	-	-	-	-	-	-
	чап	0,82±0,04	0,85±0,08	0,99±0,10	0,99±0,007	1,30±0,058	1,40±0,058
КТД	ўнг	0,74±0,031	0,74±0,023	1,07±0,067	0,99±0,013	1,17±0,088	1,27±0,067
	чап	0,74±0,014*	0,69±0,027*	0,97±0,017	0,94±0,019*	1,16±0,043*	1,15±0,059*
АД	ўнг	0,69±0,027	0,74±0,011	0,95±0,026	0,95±0,021	1,03±0,022	1,20±0,049
	чап	0,75±0,028	0,68±0,026*	0,96±0,012	0,95±0,011*	1,22±0,025	1,23±0,045*
	икки томон зарар.	0,64±0,061	0,61±0,075	0,99±0,006	0,98±0,008	1,07±0,077	1,18±0,13

*Изоҳ:* \*- ЭТД кўрсаткичларига нисбатан ишончли (\*-P<0,05)

Текширилаётган мушакда М-жавоб латентлиги ЭТД ва КТДдаги гуруҳларда юзнинг соғлом томони ва назорат гуруҳига нисбатан юз нервнинг зарарланган томонида юқорироқ бўлиб (P<0,01) 6,7±0,33 мсга етган. М-жавоб латентлигининг ошиши иннервацияланган мушакнинг оғирлик даражадаги дисфункцияси учун хос эди ва зарарланиш даражаси билан узвий корреляцион боғлиқликка эга бўлган (r=0,21). АДда М-жавоб латентлиги дисфункциянинг оғирлик даражасига мувофиқ қисқариш тенденциясига эга бўлган.

ЭТДнинг бошланғич пайтида мушаклардаги М-жавоб амплитудасининг максимал даражада пасайиб кетиши кузатилган ва у прозопарезнинг оғирлик даражасига боғлиқ эди, бундай натижа КТДда ҳам ўз аксини топган, яъни мимик мушак оғирлик даражаси ошиб борган сари М-жавоб амплитудаси пасайиб борди, илмий тил билан айтганда улар тескари корреляцион боғлиқликка эгаллиги намоён бўлган (r=-0,18). Аксинча, АД гуруҳидаги беморларда бошқа гуруҳларга нисбатан касалликнинг оғирлик даражаси ошиб борган сари М-жавоб амплитудасининг тикланиши кузатилган (P<0,001).

КРнинг R1 ва R2 компонентлари муҳим диагностик аҳамиятга эга бўлди. ЭТДда ММ дисфункцияси ошиб бориши билан бирга R1 ва R2 компонентлар латентлиги ҳам соғлом томонга нисбатан ошиб борган (P<0,05). ММ ўрта даражадаги дисфункциясида зарарланган ва соғлом томонда R1 компонент латентлиги 17,8±1,2 мс ва 11,7±0,41 мс, R2 компонент латентлиги эса мос равишда 43,8±0,62 ва 35,7±1,9 мс мсни ташкил этган.

Ўрта оғир даражадаги дисфункцияда зарарланган ва соғлом томонда R1 компонент латентлиги  $18,7 \pm 0,46$  мс ва  $11,7 \pm 0,11$  мс, R2 компонент латентлиги  $43,7 \pm 0,16$  мс ва  $36,0 \pm 0,36$  мсга тенг эди. Оғир даражадаги дисфункцияда R1 компонент зарарланган томонда умуман аниқланмади, аммо соғлом томонда унинг кўрсаткичи  $11,1 \pm 0,13$  мсни ташкил этди, R2 компонент эса зарарланган ва соғлом томонда  $43,5 \pm 0,50$  мс ва  $33,5 \pm 0,73$  мсни ташкил этган ҳамда назорат гуруҳига нисбатан анча фарқ қилган ( $P < 0,01$ ). Бунда R1 ва R2 компонентлар амплитудаси назорат гуруҳидан фарқли, ММ дисфункцияси оғирлик даражасига параллел равишда камайиб бориши кузатилган ( $P < 0,001$ ).

КТДдаги КР кўрсаткичлар ЭТД гуруҳига ўхшашлиги кузатилди, бундан ташқари, КТДдаги оғир даражали ММ дисфункцияси ва АДдаги спонтан фаолликни кўрсатувчи балларининг ошиши патологик синкинезия пайдо бўлишидан дарак берди, яъни дисфункция даражасининг ошиши билан бирга ФП ва ИЎТ баллари ҳам ошиб борди ( $r = 0,33$ ). Ушбу кўрсаткич КТДга нисбатан АДда юқорирак бўлган ( $P < 0,01$ ).

Шундай қилиб, ЭНМГ натижаларига кўра ЭТД ва КТД гуруҳидаги беморларда М-жавоб латентлигининг  $6,7 \pm 0,33$  мс ва ундан ортиқ ошиши, М-жавоб амплитудасининг патологик пасайиши ММ дисфункциясининг оғир даражасини кўрсатар экан. Касалликнинг эрта даврларида латентлиги ва амплитуда кўрсаткичларидан қатъий назар R1 ва R2 компонентларнинг аниқланиши касаллик оқибатининг ижобий ҳал бўлишидан далолат берган. Аксинча, касаллик эрта даврида асосан R1 компонентининг қайд этилмаслиги касаллик оқибатининг салбийлиги ҳамда юз нерви оғир даражадаги дисфункцияси ривожланишини башоратлайди, шунингдек, унинг контрактура ва синкинезия ривожланиши билан узвий корреляцион боғлиқлиги борлигидан далолат беради ( $r = 0,38$ ). Ўз навбатида, АД (3-гуруҳ)да КР диагностик аҳамиятга эга эмаслиги ҳамда ФП ва ИЎТ кўринишидаги спонтан фаоллик пайдо бўлиши патологик синкинезияларнинг муқаррар ривожланишидан далолат беради.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Юз нерви невропатияси асоратланган шаклларида терапевтик ёндашувнинг таҳлили**» қабул қилинган стандарт ва тавсия этилган янги даволаш усулининг натижалар таҳлили қайд этилган. “Натижа шаффофлиги”ни амалга ошириш мақсадида барча беморлар иккита, яъни стандарт даволаш (ностероид, стероид яллиғланишга қарши восита, метаболик жараённи кучайтирувчи, В гуруҳ витамин комплекси, антиагрегант, анальгетик ва физиотерапевтик муолажалар) усули тавсия этилган қиёсий кичик гуруҳ ҳамда унинг асосида кўшимча тавсия этилган янги усул: 200 мг/суткада Амантадин сульфат таблеткаси (ПК-Мерц 100 мг 1 табл. 2 маҳал), шунингдек, такибида 250 мг Леводопа ва 25 мг Карбидопа сақловчи комбинирлашган дори восита Тидомет форте таблеткаси  $\frac{1}{2}$  табл/суткада 3 ой давомида қабул қилган асосий кичик гуруҳга ажратилган. Тавсия этилган иккала даволаш усули беморлар

орқали қоникарли қабул қилинган, тадқиқотдан четлатиш ҳолатлари кузатилмаган (6-жадвал).

6-жадвал

### Тавсия этилган дори воситасини қабул қилган беморлар гуруҳи

Беморлар гуруҳи	ЭТД (n=53)		КТД (n=54)		АД (n=56)	
	асосий	қиёсий	асосий	қиёсий	асосий	қиёсий
абс	38	15	39	15	41	15
%	71,7	28,3	72,2	27,8	73,2	26,8

ЭТД ва КТДнинг қиёсий кичик гуруҳида даволаш динамикаси аҳамиятга эга эмас эди, ҳолбуки асосий кичик гуруҳда клиник белгилар кўринарли яхшиланган ( $P<0,001$ ). ЭТД ва КТД гуруҳидаги асосий кичик гуруҳда қиёсий гуруҳга нисбатан ММ фаолиятининг тикланиши, қулоқ ва қулоқ ортидаги оғриқнинг, кўз ёши ажралишининг камайиши, тилнинг олдинги  $2/3$  қисмида таъм сезишнинг тикланиши кузатилган ( $P<0,001$ ). Шунингдек, КТДда ксерофтальмия ва ксеростомия белгилари аҳамиятли камайган ( $P<0,01$ ). АДда юздаги тортилиш ҳисси ва оғриқлар, Богорад белгиси пасайган ( $P<0,001$ ).

